



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 18-noyabr • Payshanba • 134 (31.254) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

«ЎРТА ОСИЁНИНГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ: УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Мухтарам конференция қатнашчилари!

Сиз, ҳурматли меҳмонларимизни — халқаро экология ташкилотларининг обрўли вакилларини, олимлар, таҳлилчилар ва экспертларни самимий кутлашга ва «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирокингиз учун чин дилдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Дунё янги минг йиллик бўсағасида ер юзининг турли ҳудудларида инсон ҳаёти ва фаолиятига, ҳайвотот ва наботот оламига хавф солаётган фавқуллодда табиий ўзгаришлар билан боғлиқ мисли кўрилмаган муаммо ҳамда таҳдидларга дуч келди.

Афсуски, бундай таҳдидлар Ўрта Осиёда ҳам кескин тус олмақда. Бу ерда ўтган асрнинг иккинчи ярмида йирик трансчегаравий дарёлардан оқибатини ўйламай фойдаланиш, экологик жиҳатдан зарарли sanoat объектларини қуриш ишлари минтақамизни экологик фалокат ёқасига олиб келди.

Қуриб бораётган Орол денгизи фожiasi бунинг аққол далили бўла олмади. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод кўз ўнгида қуриб бораётган сув хазинасига айланди. Унинг саҳрога айланган туби аҳоли саломатлиги ва генотипига халокатли таъсир кўрсатмоқда, қишлоқ хўжалик ерлари, ўсимлик ва ҳайвотот оламининг таназзулига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда барчамизнинг олдимизда гоят муҳим вазифа турибди. Бу — табиатни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш, уни бизнинг минтақамиз ва бошқа минтақалар аҳолисининг турмуш шароити ва табиатдан фойдаланиш имкониятларини янада мураккаблаш-

тирадиган янги хавфли лойиҳалардан асрашдан иборатдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда оммавий Экологик ҳаракатни ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилди. Мазкур ҳаракат халқимизнинг орзу-умидларини ҳисобга олиб, табиатни асраб-авайлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида халқаро экологик ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Экология, атроф-муҳит мусофоллиги учун курашиш — Ер юзидagi барча мамлакатлар ва халқлар учун бирдек дахлдор эканини эътиборга олган ҳолда, биз бу борада тобора кенг қўлам ва ранг-баранг шакл касб этиб бораётган мазкур ҳамкорлик ўта муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу анжуманда нуфузли ва тажрибали экология ташкилотлари, экспертлар, таҳлилчилар билан ҳамкорликда, БМТнинг тегишли Конвенцияларига амал қилган ҳолда, бизнинг минтақамизни Ўрта Осиё минтақаси доирасидан кенгроқ доираларга чиқиб кетадиган ва халокатли оқибатларга олиб келадиган янги хавфли лойиҳалар амалга оширилишининг олдини олишга қаратилган амалий тақлифлар ишлаб чиқилади, деб ишонаман.

Сизларнинг тақлифларингиз ва овозингиз бугунги ва келажак авлодларни экологик халокатли ҳудудда яшашдек оғир қисматдан ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайдиган халқаро молия институтлари, ташкилотлар ва бошқа манфаатдор тузилмалар томонидан эътиборга олинишига ишончим комил.

Конференция самарали ўтишини, унинг барча қатнашчиларига муҳим ва хайрли фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилайман.

Ислом ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Фракция фаолияти



Экспертиза НОРМУРОДОВ олган суратлар.

Қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди

■ Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар парламент қўйи палатаси муҳокамасига киритилаётган қатор қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқди.

«Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур лойиҳа Олий хўжалик суди томонидан Президенти

мизнинг 2005 йил 14 июндаги Фармонида белгиланган вазифаларни қонун йўли билан ҳал этиш мақсадида тайёрланган ҳамда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида парламент қўйи палатасига киритилган. Унга асосан, Хўжалик

процессуал кодексига тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини белгиловчи нормалар киритиш назарда тутилмоқда. Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллашнинг ҳуқуқий асослари мустақкамланмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ЕЧИМЛАР

Бугун атроф-муҳитни асраб-авайлаш, мавжуд трансчегаравий муаммоларни самарали бартараф этиш орқали экологик барқарорликни таъминлаш инсоният олдида турган муҳим вазифалардан бири. Зеро, ушбу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, XXI асрда барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. Тошкентда бўлиб ўтган «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» халқаро конференцияси айнан шу мавзуга бағишланди.

(Давоми 3-бетда.)

Муносабат

Миллий тараққиёт йўли

■ Юртбошимиз мамлакат истиқболини ўйлаб айтган фикрлар, янги ғоя ва ҳулосалар барча қатори менинг юрагимга ҳам куч-қувват, сурур ва ҳарорат бахш этди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир янги босқичда ташаббусни ўз қўлига олиши, сиёсий кучлар ва эл-улусни бекиёс ўзгаришларга даъват этиши янгилик эмас. Мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир босқичи шундай бошланган, биз амалий ғоялар ва дастурларга эга бўлган ҳолда, улар воситасида ҳозирги ёруғ кунларга етиб келдик.

Бугун халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассислар мамлакатимиздаги ўсиш-улғайишга, барқарор ривожланаётган иқтисодиётга катта қизиқиш билан қараётгани бежиз эмас. Халқимиз қўлга киритган улкан марралар замирида, аввало, ўзимизга ишонч, узоқни кўзлаган сиёсат, машаққатли меҳнат ва изланиш мужассам.

→ 2



Фармон ТОШЕВ,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси,
халқ депутатлари
Самарқанд вилоят
Кенгашидаги
ЎзХДП депутати
гuruхи раҳбари

ЎзЛиДеПнинг АСОССИЗ ИДДАОСИ

Агар, ХДП фракцияси жим ўтирган бўлса, фақат қўл кўтариб тасдиқласа..., нега унда ЎзЛиДеП фракцияси вакили ЎзХДП фракциясига миннатдорлик билдирди? Жим ўтиргани учунми?

2-бет

■ Дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров ва шохмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов юртимизга Осиё ўйинларининг дастлабки олтин медалларини тақдим қилишди.

Кеча велоспортчимиз Владимир Тўйчиев ҳам олтин медаль билан тақдирланди.

4-бет



Хитойда давом этаётган XVI ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари ҳозирча учта олтин, саккизта кумуш ва саккизта бронза медалларига сазовор бўлди.

«Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзусидаги конференцияда иштирок этиш асосида Ўзбекистон жанубидаги Сурхондарё вилоятининг Сароисиё туманидаги экологик вазият билан танишиш имконига эга бўлдим. Тожикистон билан чегарадош ушбу минтақادا Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган заҳарли газ, хусусан, фтор кимёвий моддаси инсон саломатлигига, болаларнинг ногирон туғилишига, ўсимликларнинг қуришига сабаб бўлмоқда, чорвачиликка ҳам катта зарар етказмоқда. Бундай фожияли оқибатларга олиб келган ишларга бефарқ қараб туролмаймиз. Ушбу ўта жиддий ва фожияли муаммони минтақа мамлакатлари ҳамжиҳатликда ҳал этиши даркор.

Нирмала ЖОШИ,
«Ҳиндистон-Марказий Осиё» тадқиқот жамғармаси директори, профессор

Сув танқислиги бугунги куннинг энг глобал ва долзарб муаммоларидандир. Ушбу халқаро конференция сув танқислигининг олдини олиш ва бу борада юзага келган муаммоларни бартараф этиш юзасидан атрофича фикр алмашиш имконини бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Анжуман юқори савияда ташкил этилди. Конференцияда Орол муаммосини бартараф этиш бўйича қўллаб ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари, экология муаммолари билан шуғулланадиган илмий марказлар вакиллари билан фикр алмашиш ҳамда мазкур муаммони ҳал этиш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиш имконига эга бўлдим. Оролбўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш масалаларини атрофича таҳлил қилдик.

Казуши ХАШИМОТ,
Япония Сув форуми маслаҳатчиси

ОБ-ҲАВО 16-17.11. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 15°C	☀️ 17°C
Самарқанд	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Нукус	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Қарши	☀️ 15°C	☀️ 20°C
Урганч	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Навоий	☀️ 15°C	☀️ 20°C
Фарғона	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Бухоро	☀️ 15°C	☀️ 20°C
Анджон	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Наманган	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Термиз	☀️ 15°C	☀️ 20°C
Жиззах	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Гулистон	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Тошкент вил.	☀️ 12°C	☀️ 17°C

Лондон	☁️ 11°C	☁️ 9°C
Париж	☁️ 8°C	☁️ 9°C
Москва	☁️ 6°C	☁️ 3°C
Мадрид	☁️ 9°C	☁️ 8°C
Пекин	☁️ 10°C	☁️ 9°C
Гонгконг	☁️ 14°C	☁️ 16°C
Рим	☁️ 11°C	☁️ 10°C
Анкара	☁️ 8°C	☁️ 11°C
Токио	☁️ 10°C	☁️ 12°C
Стокгольм	☁️ 6°C	☁️ 4°C
Кейптаун	☁️ 15°C	☁️ 14°C
Қоҳира	☁️ 13°C	☁️ 12°C
Гавана	☁️ 21°C	☁️ 20°C
Вашингтон	☁️ 8°C	☁️ 10°C

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPOTI

Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



Қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Ўзбекистон Республикасининг давлат муқофотларига оид айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси концепцияси фракция аъзолари томонидан маъқулланди. Гап шундаки, Президентимизнинг 2007 йил 17 декабрдаги «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони билан айрим фахрий унвонлар соҳибларига ҳар ойда тўланадиган тўловлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваригача оширилган. Аммо Ўзбекистон Қархонларига тўланадиган устамалар алоҳида қонун ҳужжати билан белгилангани сабабли уларга ҳар ойда тўланадиган устамалар мукофот энг кам ойлик иш ҳақи даражасида сақланиб қолган. Таклиф этилаётган қонун

лоийҳасида мазкур номуносивбликларни бар- тараф этиш назарда тутилмоқда. Учинчи ўқишда киритилаётган «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокамадан ўтган эди. Фракция қонунни учинчи ўқишда қабул қилиш таклифини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Қун тартибидеги масалалар юзасидан фракция ўз нуктаи назарини белгилаб олди.

Асли КАМОЛ

Миллий тараққиёт йўли

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари қўшма мажлисда шуни сарҳисоб этди, «эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз» учун «нималарга эътибор қаратиш лозимлигини аниқ-равшан белгилаб берди. Бунда, биринчи навбатда, давлат бошлиғи билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларини янада мутоасиб ҳолга келтиришга алоҳида урғу берди. Шу муносабат билан Конституцияимизнинг 98-моддасига таҳрир тақлиф этилдики, бу тизимнинг тўлақонли шаклланишига мустақам замин яратди. Тасаввур қилинг, бундан ўн тўққиз йил аввал депутатлик бир имтиёз эди, у ҳукумат томонидан маълум бир шахсларга, уларнинг обрўсини ошириш учун бериларди. Кўппартиявийлик ҳақида-ку, гапирмасам ҳам бўлади.

этишни ҳам ўрганишимиз зарур. Назаримда, энди ҳар бир сиёсий партия сафида хорижлик мутоасиблар билан тенгма-тенг баҳс юри- тадиган, дунёдаги сиёсий партиялар фаолиятини, улар- нинг тажрибасини, сиёсий усул ва технологияларни чуқур биладиган сиёсатчилар қатла- мини шакллантириш мавриди келди.

Кувонарлиси шундайки, илгари сурилган масалаларда аҳолининг барча қатлами ҳуқуқий-ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш, инсон қадр-қим- матини ошириш, кишилар тур- муш даражасини янада яхши- лаш каби эзгу максаллар му- жассам. Масалан, Президенти- миз давлат ҳокимияти ва бош- қарув органлари фаолияти очиклиги тўғрисида янги қонун қабул қилиш таклифини ўртага ташлади. Бу қонун бошқарув идоралари очиклигини таъмин- лади ва биз электоратимиз ҳаётига оид тахлиллий матери- алларни олишимиз, шундан кели- б чиқиб, улар олдиға ўз та- лабларимизни қўйишимиз мум- кин бўлади.

Шу маънода, ЎзХДП фаолла- рига ўз Сайловдаги дастурида белгиланган вазифаларни ба- жарош учун катта имкониятлар очилди. Мисол учун, партия- дан сайланган депутатлар ижро ҳокимияти раҳбарларининг ай- нан электорат манфаатига доир ҳисобот ва ахборотларини мун- тазам эшитиб бориши, шу асос- да янги қонунларда улар ҳақ- ҳуқуқи ҳимоясини янада кучай- тириши мумкин. Бу гоятда му- ҳимдир.

Мустақиллик йилларида 500 дан ортқ қонун қабул қилин- ди. Қонунчилик тизими шакл- ланди. Энди эса у ёки бу соҳа- даги ҳуқуқий муносабатларни- гина эмас, балки жамиятдаги сиёсий кучлар ва бўғинлар ўртасидаги муносабатларни халқро андозалар асосида янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Бинобарин, фуқаролик ин- ститутлари, хусусан, маҳалла- нинг обрўсини оширишга доир гоғлар электоратимиз жипс- лашган бу уюшмаларда ЎзХДП нуфузини кучайтириш масъу- лиятини юклайди, албатта. Президент жамият, жумладан, бизнинг олдимизға қўйган ва- зифалар кўлами ниҳоятда кенг ва салмоқли. Хўш, биз ана шу вазифаларни чуқур ҳис этиб, рўёбға чиқаришга тайёرمизми? Камчиликларимиз оз эмас, ал- батта. Сайловдан кейин депу- татлигини «унутиб» қўйган шах- слар, ўз депутатини муаммолар ечимига жалб эта олмаётган партия ташкилотлари борлиги- дан кўз юма олмаймиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, шубҳасиз, мамлакат- тимиздаги етакчи сиёсий куч- лардан бири. Сафимизда та- шаббускор, иктидорли ва фи- доий кишилар кўп. Жумладан, халқ депутатлари Самарқанд

ЎзЛиДеПнинг АСОССИЗ ИДДАОСИ

■ Либерал партия газетасининг шу йил 4 ноябрь сониде эълон қилинган «Жамоатчиликни чалғитиш- дан муддао нима?» сарлавҳали мақолани ўқиб, очиги бундан ажабланмадик. Сабаби, либералларға хос одат бу. Ҳар қанча асосли гап айтманг, улар барибир, холис муносабат билдириш ўрниға масала атрофида айланиб, юзаки фикрларға, сунъий ҳимоя- га зўр беради.

Жамоатчиликни чалғитиш- дан муддао нима, деб айю- ханнос солиб, аслида ўзла- ри чалғитаётганликларини сездириб қўйишди, қора пиар усулларидан фойдала- ниб, обрў топишға интили- шади. «Ўзбекистон овози» газе- тасининг шу йил 26 октябрь сониде «ЎзЛиДеП фракция- си аъзоларининг таклифи қабул қилинмади» деган мақо- ла эълон қилинганди. Унда биз парламент Қонунчилик палатасидаги бор-йўғи бит- та қонун лойиҳаси устида борган бахси қандай бўлса,

қияси аъзоларининг қўми- тадаги фаолияти кўзда тутил- гандир» деб, ўша жумлани роса айлантириб кўрдик. Йўқ, бу гапда барибир ман- тик йўқ. Сабаби, қонун лойи- ҳаси қўмиға келиб тушган, қўмиға уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёки қабул қил- маслик ҳақида ҳулоса тай- ёрлайди. Агар лойиҳа ялпи мажлисда биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъ- қулланса, қўмиға уни иккин- чи ўқишда муҳокамаға тай- ёрлайди. Бу жараёнда ёлғиз бир депутат эмас, балки депутатлар, қонун та- шаббускори субъектнинг вакиллари, керак бўлса, олимлар, экспертлардан иборат ишчи гуруҳи ишлай- ди. Барча ишни бизнинг депутатлар қилди, дейиш қолган депутатларға, ишчи гуруҳи аъзоларига, уларнинг меҳнатига ҳурматсизлик ҳисобланади. Шу ўринда либераллар ХДП фракцияси аъзоларини

«XXI АСР»ДАГИ ЎША МАҚОЛАДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ- НИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТўҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ўЗГАРТИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИ- ҲАСИ АЙНАН ЎзЛиДеП АЪЗОЛАРИ МАСЪУЛЛИГИДА ТАЙЁРЛАН- ГАН ТАЪКИДЛАНАДИ. ТўҒРИСИ, ЛОФ АЙТИШ ҲАМ, ЁЛҒОН АЙТИШ ҲАМ ЭВИ БИЛАН- ДА. АХИР, БУ ЛОЙИҲА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТОМОНИДАН ТАЙ- ЁРЛАНИБ, ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА КИРИТИЛГАН-КУ! ЎзЛиДеП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ БУНГА НИМА АЛОҚАСИ БОР?

шундайлигича ёритишға ҳаракат қилганмиз. Либерал- ларнинг таъкидлашича, мақо- ла ўқувчида парламентда кечаётган жараёнлар ҳақида ноўғри тасаввур уйғотар эмиш. Гўё биз ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларини ай- рим қонун лойиҳаларига қарши чиқишда айблагша уринибмиз. Қуйи палатада қонунлар устида (қонунлар лойиҳалари устида демок- чи, шекилли) ишлаш жа- раёнини сунъий тарзда пар- тивий тортишувлар дара- жасиға кўтаришға инти- лишимиз.

қонунлар муҳокамаси жара- ёнида «жим ўтириш»да айб- лаётганиға эътибор қаратай- лик. Бизнинг фракциямизда бир анъана шаклланган. Фракция ҳар бир қонун лойи- ҳаси юзасидан фикрлашиб олғач, ўз нуктаи назарини ёзма ривийшда, расмий тарз- да масъул қўмиға тақдим этиб келади. Бу таклифлар- нинг аксарияти қонунлар лойиҳаларида ўз ифодасини топапти. Шундай экан, яна ялпи мажлисда шовқин со- либ, ҳам ўзини, ҳам депутат- ларнинг вақтини олишдан фойда нима? Агар таклиф

«XXI аср»даги ўша мақола- да «Ўзбекистон Республика- сининг Маъмурий жавобгар- лик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойи- ҳаси айнан ЎзЛиДеП аъзо- лари масъуллигида тайёр- лангани таъкидланади. Тўғриси, лоф ҳам, ёлғон айтиш ҳам эви билан-да. Ахир, бу лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси томонидан тай- ёрланиб, Қонунчилик па- латасиға киритилган-ку! ЎзЛиДеП фракцияси аъзо- ларининг бунга нима алоқа- си бор?

қонунлар муҳокамаси жара- ёнида «жим ўтириш»да айб- лаётганиға эътибор қаратай- лик. Бизнинг фракциямизда бир анъана шаклланган. Фракция ҳар бир қонун лойи- ҳаси юзасидан фикрлашиб олғач, ўз нуктаи назарини ёзма ривийшда, расмий тарз- да масъул қўмиға тақдим этиб келади. Бу таклифлар- нинг аксарияти қонунлар лойиҳаларида ўз ифодасини топапти. Шундай экан, яна ялпи мажлисда шовқин со- либ, ҳам ўзини, ҳам депутат- ларнинг вақтини олишдан фойда нима? Агар таклиф

қонун лойиҳаси қўмиға келиб тушган, қўмиға уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ҳақида ҳулоса тайёрлайди. Агар лойиҳа ялпи мажлис- да биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллан- са, қўмиға уни иккинчи ўқишда муҳокамаға тайёрлай- ди. Бу жараёнда ёлғиз бир депутат эмас, балки депутат- лар, қонун ташаббускори субъектнинг вакиллари, керак бўлса, олимлар, экспертлардан иборат ишчи гуруҳи ишлайди. Барча ишни бизнинг депутатлар қилди, дейиш қолган депутатларға, ишчи гуруҳи аъзоларига, уларнинг меҳнатига ҳурматсизлик эмасми.

«Мехнат ва ижтимоий ма- сала»лар қўмитаси томонидан шу пайтгача қуйи палата муҳокамасиға киритилган 3 та қонун лойиҳасининг бар-часи ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан тайёр- лангани негандир муҳбир тилға олишға истиҳоло қила- ди», деб ёзади либераллар на- шари. Нега биз истиҳоло қилар эканмиз? Агар ҳақиқат шундай бўлса, биз буни эътироф этар эдик. Ҳолбу- ки, бу дэво мантиққа мутлақо зид!

Айтилаётган 3 та қонун лойиҳаси ҳам ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томо- нидан эмас, балки Ҳукумат томонидан тайёрланиб, қонунчилик ташаббуси ҳу- қуқи асосида парламент Қо- нунчилик палатасиға киритилган. Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси (бу қўмиғатада бошқа партиялар фракциялари аъзолари ҳам бор) эса мазкур қонун лойи- ҳалари устида ишлаш, уларни такомиллаштириш, би- ринчи, иккинчи ва учинчи ўқишда муҳокамаға тайёр- лаш учун Кенгаш томонидан масъул этиб белгиланган, холос. Менимча, мақолани ёзишдан олдин буни ўрганиб чиқиш керак эди. Биз «Балки ЎзЛиДеП фрак-

қонунлар муҳокамаси жара- ёнида «жим ўтириш»да айб- лаётганиға эътибор қаратай- лик. Бизнинг фракциямизда бир анъана шаклланган. Фракция ҳар бир қонун лойи- ҳаси юзасидан фикрлашиб олғач, ўз нуктаи назарини ёзма ривийшда, расмий тарз- да масъул қўмиға тақдим этиб келади. Бу таклифлар- нинг аксарияти қонунлар лойиҳаларида ўз ифодасини топапти. Шундай экан, яна ялпи мажлисда шовқин со- либ, ҳам ўзини, ҳам депутат- ларнинг вақтини олишдан фойда нима? Агар таклиф

ладан, шундай дейлади: «Балки шунинг учун ҳам айрим таҳлилчилар ХДП фракцияси қолиб, аҳоли- нинг ижтимоий муҳофаза- га муҳтож қатлами ман- фаатларини ифодалашда «Адолат» СДП фракция- сининг анчайин фаоллашиб қолганини таъкидлаётган- дир». Хўш, бу айрим таҳ- лилчиларнинг фикри экан, аксарият таҳлилчилар, му- тахассислар нима дейи- шаяпти? Бизнингча, сиз ай- таётган «айрим таҳлилчи- лар» ҳам либерал таҳлил- чилар бўлса керак! Мамлакатимиз раҳбари партияларо баҳс-муноза- ра жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб бо- ришти зарурлигини қайта- қайта таъкидлаб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, биз Қонунчилик палатасидаги жиддий бир масала устида борган баҳс-мунозарани, яна қайтариб айтмайиз, қан- дай бўлса, шундайлигича ёритишға ҳаракат қилдик. Аммо унга ҳавоқ берган ли- бералларнинг чиқиши, одат- дагидек, на жиддий, на про- фессионал ва на амалий аҳамиятға эға...

БЕХЗОД ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

■ Анжуманда Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Испания, Италия, Канада, Хитой, Жанубий Корея, Голландия, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Швейцария, Япония каби 30 мамлакатдан экспертлар, олимлар, экологлар, БМТ, ЕХХТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон банки, Жаҳон ёввойи табиат фонди, Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи каби 60 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ва молия институтларидан вакиллар қатнашди.

Конференцияни Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмидаги қўллаш» мавзудаги халқаро конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ўқиб эшиттирди.



А. ЕКУБОВ (ЎСА) олган сурат.

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ЕЧИМЛАР

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш, айниқса, аномал iklim ўзгариши шарафига тараққий этиши, жумладан, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим аҳамият касб этади, деди анжуманда сўзга чиққан ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссия бош котиби М.Гопалакришнан. Айни пайтда у сув ресурсларидан фойдаланиш масаласига фақат гидроэнергетика нуқтаи назаридан ёндашмаслик зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрича, Ўрта Осиё каби мураккаб минтақalarda кичик энергетика иншоотларидан фойдаланиш талабларга кўпроқ мос келади. Орол фожиаси улкан энергетика иншоотларини қуриш кандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб қўришга ундайди.

Нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётган бу йўналишдаги ишлар Президент Исрол Каримов томонидан инсон ҳуқуқи ва манфаатларини, жумладан, унинг кулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида юритилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг муҳим қисми ҳисобланади, деди Нью-Йорк давлат университети профессори Парвиз Морвиж (АҚШ).

Ўтган йили глобал иқтисодий инқироз шарафига Ўзбекистонда яппи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил қилгани шўбу сиёсат самардорлигининг ёрқин тасдиғидир. Бугун Ўзбекистон ҳам иқтисодий, ҳам экологик вазифаларни ҳал этиш борасида қўлаб давлатларга намуна бўлмоқда.

П.Морвиж барча мамлакатлар бир-бирининг экологик манфаатларини эътиборга олиши лозимлигини таъкидлади. У бир мамлакат санаёт объектларини кураб экан, бундан қўшни мамлакатлар аҳолиси азият чекишига асло йўл қўйиб бўлмасталигига эътибор қаратади. Австриянинг «Бизнес, маданият, спорт» журнали муҳаррири Манфред Тихи минтақанинг барча мамлакатлари БМТнинг Трансчегаравий сув оқимлари бўйича таътилган конвенцияларига риоя қилиши лозимлигини таъкидлади. У конференцияда қатнашчиларининг Оролбўйига сафари чоғида сув ресурсларидан ноқилона фойдаланиш қисқа вақт ичида қандай экологик ҳалокат ва одамларнинг азият чекишига олиб келганига гувоҳ бўлганини маълум қилди.

— Роғун ГЭСга бир мамлакатнинг бошқа давлатга зарар етказган ҳолда лойихани амалга оширишга уринишига яққол мисол бўлади. Бундан 30-40 йил аввал, дабдабавозлик ҳўми сўрган советлар даврида ишлаб чиқилган, экологик ва техноген хавфсизлик талабларига мувофиқ жавоб бермайдиган мазкур лойихани амалга ошириш мумкин эмас, — деди М.Тихи.

Маърузачи ушбу лойихани баҳолаш Австрия каби тоғли мамлакатларда бундай улкан тўғонларни барпо этиш ўта хавфли эканини кўрсатганини, боз устига мазкур ҳудуд сейсмик жиҳатдан ҳам хавфли эканини қайд этди.

М.Гопалакришнан мамлакатимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилгани, шунингдек, мамлакатимиз сайлов қонунчилигига экологларга парламентда квоталанган ўрин эгаллаш имконини берган ўзгаришлар киритилганини юқори баҳолади.

Унинг фикрича, экологик, айниқса, трансчегаравий муаммоларни ҳал этиш учун очиқ мулоқот зарур. Ўзбекистонда ўтказилган ушбу халқаро конференция бундай ёндашувга яхши мисол бўла олади.

Форумда Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов маъруза қилди.

— Ўрта Осиё минтақасидаги қўлаб трансчегаравий экологик муаммолар илгари оқибатини ўйлабмаддан ҳўжалик юритишнинг натижаси эканига эътиборини қаратади. Бундай муаммолар, биринчи навбатда, кейинги вақтда глобал аҳамият касб этиб бораётган Орол инқирозининг оқибати, Орол денгизи давзасида жойлашган баъзи давлатлар томонидан бошқа мамлакатлар манфаатларини эътиборга олмасдан улкан гидроиншоотларни қуриш лойиҳаларини амалга оширишга уриниш бўлаётгани, шунингдек, «Тожикистон алюминий компанияси» корхонасининг фаолияти билан боғлиқдир. Мазкур завод 35 йилдан буюн Ўзбекистоннинг жанубий туманлари табиатига, аҳолисининг саломатлигига ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта зарар етказмоқда.

логик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар мисолида ҳам қўриш мумкин. Президентининг Исрол Каримов олий даражадаги халқаро урдушуларда жаҳон ҳамжамиятини нафақат экологик вазиятни яхшилаш, балки келажак авлодлар хаёти учун қўлай муҳит ҳамда шарт-шароит яратиш мақсадида саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга, комплекс чоралар қўришга даъват этиб келди. Орол-бошимиз ташаббуси билан бу борада Нукус ва Тошкент декларациялари қабул қилинди, Оролни қўриш халқаро жамғармаси ташкил этилди, ушбу мавзу бўйича бир қатор йирик халқаро анжуманлар ўтказилди. Президентимиз 2009 йилнинг апрель ойда бўлиб ўтган Оролни қўриш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашувида мазкур жамғарма доирасида Орол денгизи давзаси минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурининг навбатдаги ўнчип босқичи концепциясини илгари сурди.

Конференция қатнашчилари таврида муҳомада қилинадиган муаммолар нечоғли жиҳиди эканига ишонч ҳосил қилдилар. Форум арасида уларнинг бир гуруҳи Орол инқирозини зонасидаги Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва Мўйнок туманида бўлиб, Орол денгизи қуришининг фожиали оқибатларини ўз қўлаб билан кўрдилар. Иштирокчиларнинг иккинчи гуруҳи эса Тожикистон алюминий заводининг захарли чиқиндилари аҳолиси ва иқтисодийга салбий таъсир кўрсатаётган Сурхондарё вилоятини Сарисоёғ туманини бориб кўрди. Бу ердаги экотизимнинг антропоген бузилишининг одамлар саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот оламига олимига қўрсатаётган ҳалокатли таъсир, ерларнинг емирилишига сабаб бўлаётгани ва умуман, гуманитар фалокат хавфини юзга келтираётган оқибатларни анжуман қатнашчиларини даҳшатга солди. Бундан ташқари, анжуман бошланишидан олдин экологик ҳалокат зоналари — Оролбўйи ва Сурхондарё худудидан олинган фотосуратлар кўрғазмаси ташкил этилди.

Илгари ер юзидаги энг йирик ички сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизининг ҳажми бугун 13 баравар, майдони 7 баравар кискарди, сув сати 26 метр пасайди, баъзи жойларда сув шўрлангани бир литрда қарийб 280 граммни ташкил этмоқда. Денгизнинг куриб қолган тубида 5 миллион гектардан зиёд майдонни эгаллаган янги Оролкум қўли пайдо бўлди. Қўлаб кичик қўллар ҳам қуриди. Ҳар йили юз миллион тоннагача туз аралаш чанг-тўзон атмосферага кўтариламоқда. Оролбўйида ўсимлик ва ҳайвонот олами генофондининг ярмидан кўпи йўқолди, уларнинг қўлаб турлари «Қизил китобга» киритилган. Мазкур салбий жараёнлар ер ресурсларининг яроқсиз ҳолга келишига сабаб бўлмоқда, аҳолининг турмуш шароитини ёмонлаштирмоқда, Оролбўйини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни мураккаблаштирмоқда.

БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг атроф-муҳит масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчи Бо Либерт таъкидлаганидек, буларнинг барчаси иқтисодий ривожланишда илгари табиий ресурслардан назоратсиз фойдаланишининг оқибатидир.

— Табиатдан фойдаланиши соҳасидаги ҳар қандай фаоллик аҳоли, экология ва табиатга зарар етказ-

маслик принципларига асосланиши лозим, — деди Бо Либерт. Бугун Ўзбекистон ривожланиш масалаларини комплекс равишда ҳал этиш самардорлигини амалга оширишда ҳам фаол иштирок этаётган. Қўлаб халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Жаҳон банки бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда, сув ресурсларини бошқариш соҳасида ҳам йирик қўшама лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Анжуманда Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош туманларида ҳам мураккаб экологик вазият ҳақида таъкидланган қайд этилди. Бу ерга шамол, ерости ва ерусти сувлари орқали «Тожикистон алюминий компанияси» корхонаси чиқараётган юз тонналаб захарли моддалар тарқалмоқда. Айниқса, фторли водород оксиди, олтингурут оксиди, азот оксиди ва углерод оксиди каби чиқиндилар инсон саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот олами учун ниҳоятда хавфлидир. Ўзбекистоннинг жанубий туманларидаги атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига етказилган зарар юз миллионлаб АҚШ доллари миқдорига баҳоламмоқда. 1994 йилда Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсири зонасида экологик аҳолини яхшилаш бўйича ҳамкорликка оид Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлари битими имзоланган эди. Бироқ, бу борада режалаштирилган қўлаб тавбирлар бажарилмади. Заводда қўлаб чиқариладиган захарли алақачон эскирмалар, бир қатор тозаланиш иншоотлари ишламайди. Шунга қарамастан, корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш ва кенгайтириш қўзда тутилмоқда. Демак, захарли чиқиндилар чиқарилиши ҳам қўлабди — дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, йилига 21,7 тоннадан 32 тоннагача ошади.

Конференцияда қатнашган хорижий экспертлар трансчегаравий Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида янги, йирик гидроэнергетика иншоотларини, биринчи навбатда, Роғун ГЭСини қуриш лойиҳалари ҳам Ўрта Осиёнинг шундоқ ҳам заиф экологик мувоозанатига ҳалокатли таъсир ўтказди, деган умумий фикрни билдирдилар. Айрим давлатларнинг амалдаги халқаро нормаларни бузган ҳолда, минтақадаги бошқа мамлакатлар манфаатларини эътиборга олмай, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишда интиқили катта ташвиш уйғотаётгани қайд этилди. Халқаро тажриба ва илмий тадқиқотлар шунга қўрсатадики, бундай қурилишлар фақат лоғда хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳаттиҳаракатлар Орол денгизи ҳавзасида экологик инқирозни кучайтирибгина қолмасдан, техноген ва гуманитар ҳалокатларга ҳам олиб келиши, бепоян худудларни миллионлаб одамларнинг яшаш учун яроқсиз аҳволга солиши мўқарар.

Шу боис, Банкларга оид ахборот маркази ижрочи директори Чад Добсон (АҚШ) анжуман қатнашчилари эътиборини кенг қўламли гидроэнергетик лойиҳаларни битта давлат манфаатлари ёки экологик жиҳатдан зарарли алоҳида ишлаб чиқариш учун эмас, балки минтақанинг барча аҳолиси манфаати ва унинг фаровончилиғини юксалтириш йўлида амалга ошириш зарурлигига қаратади.

— Батыда халқаро молия институтлари тушунчаларни чалқатириб юборди, — деди у. — Ҳол-

буки, электр энергетика объектилари янги ва зарарли алюминий ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш учун эмас, балки, биринчи ғалда, аҳолининг муҳим эҳтиёжларини қондириш, шу жумладан, уни электр энергияси билан барқарор таъминлаш учун хизмат қилиши керак.

Унинг фикрича, Жаҳон банки, бошқа молия ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиши, уларнинг фикрини эътиборга олиши ва аҳолининг катта қисми бундай лойиҳаларни қўлаб-қувватлаганидан кейингина қарор қабул қилиши лозим. Барча манфаатдор томонлар бундай гидроиншоотларни қуриш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда иштирок этиш имконига эга бўлиши даркор. Эксперт шунга қатъий таъкидладики, бу борада амалга оширилаётган жараёнларнинг ошқоралигини таъминлаш учун ушбу масалалар юзасидан кенг қўламли очиқ маслаҳатлашулар ўтказиш зарур.

Бугун амалга оширилиши режалаштирилаётган гидроэнергетика лойиҳалари қарийб эллик йил аввал ишлаб чиқилган бўлиб, аллақачон эскирган. Уларда қурилиш қўзда тутилиётган бу худудларнинг юқори сейсмик хавфи — ушбу қўрсаткич Рихтер шкаласи бўйича 9 баллгача, бу ерда ўз берадиган кўчи ва сел келиш жараёнлари ҳисобга олинмаган.

Ҳолбуки, сўнги 110 йил мобайнида бу ерда 20 дан ортиқ кучли zilzila қайд этилган. Жаҳон амалиётларида ҳали бу каби худудларда улкан гидроиншоотлар қурилиши кузатилмаган. Масалан, Тожикистондаги Роғун ГЭСида баландлиги 335 метрлик тўғон қуриш қўзда тутилмоқда. Ҳолбуки, дунёда ҳали бундай тўғон йўқ. Мобайно тўғон ўйрилгудек бўлса, бошпанчи нуктада сув тўқинининг баландлиги 250 метрдан ошади, Роғун ГЭСидан 1,5 минг километр узоқда жойлашган Қорақалпоғистонда эса 6-7 метрга етади. Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон ва Ўзбекистон худудидagi 1,5 миллион гектар майдон, 700 дан ортиқ аҳоли пункти сув остида қолади. Шунинг унутмаслик керакки, ушбу худудларда қарийб 5 миллион аҳоли истиқомат қилади.

Ҳатто, энг қўлай вазиятда ҳам Роғун ГЭСининг қўзда тутилиётган энергетик режимда ишлаши Амударё қуйи қисмида яшаётган кўп миллионли аҳоли турмуш шароитининг кескин ёмонлашувиға олиб келади. Дарёда сувнинг минераллашуви икки баравар ортади, вегетация даврида унинг оқими анча камади. Ҳисоб-китобларга кўра, қишлоқ ҳўжалик экинлари, аралаш қайта ишлаш тармоқлари ва балиқ ресурсларининг нобудгарчилиги туфайли қуриладиган зарар 5 йил ичида қарийб 20,5 миллиард долларни ташкил этади.

Шу муносабат билан конференцияда электр энергиясини Роғун ГЭСидagi каби миқдорда, нисбатан хавфсиз, аммо бир неча ба-

равар арзон кичик ГЭСларни қуриш йўли билан ҳам олиш мумкинлиги қайд этилди. Президент Исрол Каримов жорий йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитидаги нутқида гидроэнергетикани ривожлантиришга бу тарзда ёндашиш оқилона йўл бўлишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари трансчегаравий дарёларда гидроиншоотлар қуриш бўйича ҳар қандай лойиҳа ушбу дарёлар ҳажми ва оқими бузилмаслиғи ҳамда минтақада экологик вазият ёмонлашмаслигини қафолатлайдиган халқаро мустақил экспертиза натижаларига асосланиши лозимлигига бир неча бор эътибор қаратган эди.

Конференцияда минтақанинг барча давлатлари ушбу соҳада амалда бўлган халқаро нормаларга қатъий риоя қилиши лозим, деган ҳўрсатмага келинди. БМТнинг Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш, Халқаро сув оқимларидан фойдаланишнинг кема юрмайдиган шакллари ҳўқуқига оид конвенциялари, Халқаро дарёлар сувидан фойдаланишнинг Хельсинки Қоидалари, Гидроэлектр энергиясини ишлаб чиқаришнинг бошқа давлатларга таъсирига доир Женева Конвенцияси ва ушбу соҳадаги бошқа халқаро ҳўжжатларга мувофиқ, бундай гидроэнергетика иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш шартлари трансчегаравий дарёлар ҳавзасида жойлашган барча давлатлар билан келишилши шарт.

Конференция доирасида ўтказилган мавзуга оид сессияларда Ўрта Осиё атроф-муҳитининг трансчегаравий ифлосланиши, сув ресурсларини биргаликда бошқариш орқали трансчегаравий ҳамкорликни яхшилаш, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, экологияси ёмон минтақalarda биохилма-хилликни сақлаш, Орол минтақасида iklim ўзгариши, йирик санаёт ишлаб чиқаришларнинг атроф-муҳитга таъсири каби муаммолар ҳамда бошқа қатор долзарб экологик масалалар муҳомада этилди.

Анжуман қатнашчилари Ўрта Осиё минтақасидаги мавжуд асосий трансчегаравий экологик муаммоларни муҳомада қилиб, уларни ҳал этишда халқаро ҳўқуқустувор аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар. Ўз мамлакатларида ушбу механизмни амалда қўлаш тажрибаси билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Хамроев, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Н.Умаров, Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридagi Гидрометеорология хизмати марказининг раҳбари В.Чўб, «Гидролоийҳа» очиқ акциядорлик жамияти директори С.Жигарёв (Ўзбекистон), Япония Сув форуми маслаҳатчиси Казуши Хашимото, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳаво сифатини бошқариш ва унинг ифлосланишини назорат қилиш бўйича ҳамкорлик маркази мутахассиси Ханс Гвидо Мекке, АҚШнинг Олбани университети профессори Дэвид Карпентер ва бошқалар ўз чиқушларида шу ҳақда гапирдилар.

Конференция якунири бўйича Тошкент экология декларацияси қабул қилинди. Унда минтақа давлат-

лари трансчегаравий дарёлар оқимида жойлашган бошқа давлатларга зарар етказмаслик учун бундай дарёлардан фойдаланишининг асосий принциплари белгиланган асосий халқаро ҳўқуқ ҳўжжатларига мувофиқ трансчегаравий ҳамкорликка риоя қилиши лозимлиги қайд этилган.

Ўрта Осиёнинг трансчегаравий дарёлари юқори қисмида ҳар қандай йирик гидроиншоотни минтақанинг барча давлатлари аҳолисининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ошқора асосда амалга ошириладиган мустақил халқаро техник ва экологик экспертиза ўтказиш орқали қуриш тавсия этилди. Декларацияда, шунингдек, халқаро молия институтлари ва ташкилотларнинг барпо этилиши қўзда тутилиётган лойиҳалар таъсири зонасида жойлашган барча мамлакатларнинг фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик ва очиқ мулоқот қилиш орқали минтақадаги экологик барқарорликни мустаҳкамлашга қўмақлаштириш лозимлиги таъкидланган. Конференцияда қабул қилинган мазкур ҳўжжатда халқаро экология ташкилотларининг тавсияларига биноан нисбатан хавфсиз ва анча тежамкор бўлган кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш, шунингдек, экологик хавфсиз қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан, қўша ва шамол энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш ҳў томонлама мақбул бўлиши таъкидланган. Анжуман қатнашчилари алюминий корхонаси зарарли чиқиндилари миқдорини халқаро нормалардан ошмаслигини таъминлаш учун зарур чоралар қўришни тавсия этди.

Декларацияда Ўрта Осиё мамлакатларининг энг муҳим экологик вазифалари ҳам белгиланган. Трансчегаравий дарёлар оқимининг ҳажми ва режимини сунбий қамайитиришга йўл қўймаслик, экологик ҳалокат зонасида қўлашни даражасининг кенгайтириш ва ерларнинг шўрланишини тўхтатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, кичик бизнес, биринчи навбатда, кам сув сарфлашни талаб қиладиган санаёт ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳисобидан ушбу зонада аҳоли бандлик даражасини ҳамда даромадини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш шулар жумласидандир.

Конференция қатнашчилари мамлакатлар ҳукуматлари ва халқаро ташкилотларини трансчегаравий экологик муаммоларни ҳал этиш ва экологик хавфларни қамайитириш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чақирдилар. Улар, шунингдек, халқаро экологик ташкилотлар Ўзбекистон экологик ҳаракатини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятига қўлаб-қувватлашлари лозимлигини таъкидладилар.

Буларнинг барчаси трансчегаравий табиий ресурслардан фойдаланиш муаммоларини янада оқилона ҳал этиш, минтақани турли мамлакатларини ижтимоий-иқтисодий ва экологик уйғун ривожланишини таъминлаш имконини беради. Зеро, ҳеч кимнинг бошқаларга ва келажак авлод учун асраб-авайлашимиз лозим бўлган табиатга зарар етказиш орқали ўз эҳтиёжларини қондиришга ҳаққи йўқ.

(ЎЗА)

«БИЗ ХЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, КАМ БЎЛМАЙМИЗ ҲАМ»


Ришод ишончни оқлади

«Хал қилувчи мусобақалар олдидан ҳаёлимдан Президентимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам» деган сўзлари ўтади, — дея жавоб берган Ришод Собиров Осиё ўйинларига тайёргарлик машғулотида. — Бу сўзлар менинг кучимга куч қўшади, галабага бўлган ишончимни ортиради». Ҳа, у Гуанчжоуда кечган мусобақаларда Пекин олимпиадаси чемпиони энгиб, ҳозирги кунда 60 кг вазн тоифасида ўзбек полвонига тенг рақиб дунёда йўқ эканлигини яна бир қарра исботлади.

2005 йилда ёшлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлган Ришод китъа чемпионатида ҳам голиб чиқди. 2007 йилда Тошкентда талабалар ўртасида ўтказилган «Универсиада» спорт ўйинлари Ришодни элуртага танитди. Айнан шу мусобақада бири-бирдан қиройли усуллари билан мутахассислар назарига чиқди. Уша йили Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритиб, олимпиадага йўлланма олди. Пекин олимпиадасида Ришод мамлакатимиз жамғармасига биринчи медални — бронза медалини тўхфа қилди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланиб, Президентимиз фармонида кўра «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан мукофотланди.

2009 йили у Германиядаги Гран-при мусобақасида олтин медални қўлга киритди. 2010 йил Ришод учун, айниқса, муваффақиятли келди. Дастлаб Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида, май ойида Москвадаги нуфузли мусобақаларда чемпиони бўлди. Кейин Андижонда ўтган «Универсиада» да ҳам кураш, ҳам дзюдо беллашувларида шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Тунисдаги халқаро мусобақада биринчи, Франция ва Бразилиядаги турнирларда иккинчи ўринни эгаллади. Сентябрда эса Токиода ўтказилган жаҳон чемпионатида зафар кучди.

Осиё ўйинларида Ришоддан ҳамма олтин медал кутаётганда. У Вьетнам, Макао, Хиндистон полвонлари, сўнгга ярим финалда Пекин олимпиадаси чемпиони корейлик дзюдочини енгди. Финалда дзюдо ватани Япониянинг кучли спортчиси Хираокадин устун келиб, ишончни оқлади.



Хозирча Теннис терма жамоамиз кумуш медали совриндори бўлди.

Ҳозирча учта олтин, саккизта кумуш ва саккизта бронза

Велотрек мусобақасининг 4000 метр масофага ўтказилган баҳсларида Владимир Түйчиевдан кўпчилик медал кутганди. Бирок унда вақилимиз эттинчи натижа билан қифояланган эди. Аммо Осиё чемпиони, Пекин олимпиадаси қатнашчиси Владимир Түйчиев 30 километр масофага ўтказилган велоспорт мусобақасида ўзига билдирган ишончни оқлади. Йигирма етти ёшли моҳир велоспортчи билан рақибларини орта қолдириб, жами 71 очко жамғариб ва олтин медалга сазовор бўлди. Бу мамлакатимиз спортчиларининг Гуанчжоу майдонларида қўлга киритган учинчи олтин медалидир.

Теннис бўйича Денис Истомин, Мурод Иноятов, Фаррух Дўстов ҳамда Важа Узоқовлар «квартети» кумуш медал билан тақдирланди. Дзюдо бўйича мутлақ вазн тоифасида Уткир Қурбонов эса бронза медални унун курашда қозонистонлик Улан Рискўлдан устун келди.

Сув слаломи жұфтлик баҳсларида каноэчиларимиз Алексей Науимкин ҳамда Алексей Зубарев финал босқичида 115,45 очко жамғариб, бронза медалини қўлга киритди. Оғир атлетикачиларимиздан 372 (172+200) кг оғирликни бўйсундирган Мансурбек Чашимов (85 кг) шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. Таэквондочимиз Дмитрий Ким (74 кг) кўксини ҳам кумуш медалга бегади. Гимнастикачиларимиздан Луиза Галулиева яккачўп баҳсларида бронза, Антон Фокин кўшпоя баҳсларида кумуш медал билан тақдирланди.

«Олтин медалга ўзбек халқи сазовор бўлди»

«Бугун мен эмас — Ўзбекистон чемпиони бўлди, жаҳон шоҳмот тожиға мен эмас — бутун ўзбек халқи сазовор бўлди», — деган эди Рустам Қосимжонов 17-жаҳон чемпиони бўлган кунда. Гуанчжоуда Рустам голиб чиққани эълон қилинган дамда унинг кўнглидан «Олтин медалга бутун ўзбек халқи сазовор бўлди», — деган сўзлар ўтгани ишончимиз қомил.

Осиё ўйинларининг тезкор шоҳмот мусобақасида 28 та давлатнинг 46 нафар вакили швейцарча тартибда 9 турда голибни аниқлашлари керак эди. Бу тартибда кучлилар кучлилар билан учрашиб боргани учун Рустам фақат гроссмейстерларга қарши дونا сурди. У 6 ўйинда галаба қозонди. 3 та учрашувда дуранг қилиб, 7,5 очко тўплаган ҳолда ҳозирги кунда қитъамизда унга тенг келадиган гроссмейстер йўқлигини исботлади.

1994 йилда ёшлар ўртасида жаҳон биринчилигида бронза медалини қўлга киритган, Рустам элурта назарига тушди. У 1997 йилда халқаро гроссмейстер, 1998 йилда катталар ўртасида Осиё чемпиони бўлди. 2000 йилда Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида шахсий ҳисобда бронза медалини қўлга киритди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланди. Президентимиз фармонида кўра Рустам Қосимжонов «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан мукофотланди.

2002 йилда Рустам жаҳон кубогида иккинчи ўринни эгаллади ва шоҳмот тожини қўлга киритиш учун тайёргарликни бошлаб юборди. 2004 йилда Ливияда ташкил этилган жаҳон чемпионатида 26 кунда бир-бирдан қийин 28 та учрашув ўтказди ва 13 июль кунини тай-брейк мусобақасида голиб чиқиб, шоҳмот бўйича 17-жаҳон чемпиони бўлди. Президентимиз фармонида кўра Рустам Қосимжонов «Амир Темур» ордени билан мукофотланди.

Рустам Қосимжоновнинг бироз танаффусдан сўнг катта шоҳмотга «қайтиши» муносиб нишонланди. Унинг Осиё ўйинларидаги ёрқин галабаси спортимиз тарихига зарҳал харфлар билан ёзиб қўйилди.

Таълим ва ислоҳот



Термиз давлат университети

илмий салоҳияти бўйича Япония, Англия, Германия, Россиядаги нуфузли ўқув муассасаларидан қолишмайди, дейди япониялик Сатору Кавасаки

Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида Термиз давлат университети янги биноси фойдаланишга топширилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида бу масканда бунёдкорлик ва ўқув муассасасини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари жорий йилда ҳам давом эттирилди.

Эндиликда университет ўқув-лаборатория базасини 171 та кабинет, 24 та лаборатория, 22 та курс лойиҳалари хонаси, 13 та компьютер синфлар ташкил этади. Қарийб 900 ўринга мўлжалланган учта талабалар уйи мавжуд. Айни вақтда мазкур нуфузли зиё масканида ўн та факультет, 500 нафардан ортиқ профессор ва ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Бакалавриятнинг 30 та таълим йўналиши бўйича 7 минг 800 нафардан ортиқ талаба тахсил оляпти. Университетнинг Ахборот-ресурс маркази 172 минг китоб фондига эга. Урта спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари талабалар ихтиёрида. «ТерДУ-Сурхон» аёллар футбол жамоаси мамлакатимизда ўтказилаётган мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқда. Талабалар театр студияси ва «Жайхун» фольклор-этнографик ансамбли дунё мамлакатлари халқларига ўзбек санъати дурдоналарини намойиш этиб келмоқда.

— Тенгдошларим чуқур билим олиши билан бирга республика ва халқаро кўрик-танловларда университетимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишмоқда. — дейди университет талабаси Хамрокул Примкулов. — Жумладан, ўзим 2008 йилда дзюдо бўйича

Эронда бўлиб ўтган мусобақада олтин медални қўлга киритдим. Кураш бўйича Ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган 9-халқаро турнирда Абдулла Холиёров 1-ўринни қўлга киритди. Жорий йилда Андижон шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2010» спорт мусобақаларида 5 та медалга сазовор бўлдик.

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида университетимизда катта ишлар амалга оширилмоқда, — дейди университет ректори Мамат Хайдаров. — Талабаларимизнинг тўлақонли билим олишлари учун фан хоналари, ўқув лабораторияларини жаҳозлашдан ташқари уларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаёмиз. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг тўлов-контракт пуллари касаба уюшмаси ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан тўланади. Иқтидорли талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

— Термиз шаҳридаги бетакрор қурилишлар, шинам турар-жой ва кўркам биноларга ҳавасим келди, — дейди япониялик меҳмон Сатору Кавасаки. — Термиз давлат университети моддий-техник базаси, илмий салоҳияти бўйича Япония, Англия, Германия, Россиядаги нуфузли ўқув муассасаларидан қолишмайди. Ундаги шароит, ёшлар учун яратилган имконият таҳсинга сазовор.

Абдумалик Хайдаров, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Компания ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия марказий аппаратидаги иш ўринларини компьютер техникаси ва компьютер мебеллари билан жиҳозлаш ва таъминлаш учун уларни сотиб олиш бўйича тендер савдолари эълон қилади.

Тендерда ишлаб чиқарувчи ва ёки махсулотни етказиб берувчи ёки уларнинг расмий дилерлари (дистрибуторлари) бўлган, тендерда сўралаётган махсулотларни етказиб бериш тажрибасига эга маҳаллий фирма ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

1.Тендер предмети:
а)Компьютерга қўйиладиган талабга жавоб берувчи автоматлаштирилган ишчи станцияси: Intel негиздаги чипсет, DVD-RW, хотираси 2048 Mb га етадиган DDRII, Onboard Video, Onboard овоз картаси, колонка ва факс-модемлар. Компьютерларнинг дастурий таъминоти Windows 7 XP, Office 2003-2007 ва интернетда ишлашга мўлжалланган бошқа дастурий таъминотга эга бўлишлари керак.
Станция 5 та розеткага мўлжалланган тармоқли фильтрга

эга бўлиши керак.
Ўзбекистон ХДП МК, шунингдек, А4 фарматдаги офис лазер принтерлари, А3 ва А4 фарматдаги кўпфункционал мосламалар (принтер, кофир, сканер), ТВ-тюнерлар, тўхтовсиз электр таъминлаш тизимлари, график функциялари кучайтирилган видеокарталар мобиль (кўчма) ва баъзи ишчи станцияларни кучайтирадиган қўшимча каттик дискларга эҳтиёжи бор.
Талаб этилаётган сони 49 та

комплект.
б)Компютер мебеллари: стол ва стуллар.
Талаб этилаётган сони 33 та комплект.
2.Етказиб бериш шarti: сотиб олувчининг омборхонаси.
3.Етказиб бериш муддати: етказиб бериш ҳадвалига мувофиқ.
4.Тендер шартларини қабул қилиш охириги муддати: 2010 йил 5 декабрь кунини Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.

Тақрифлар ҳар кунини (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) соат 10-00 дан 15-00 гача қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100029, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5/3.
Тендер шартлари ва қўшимча маълумотлар учун ҳар кунини Тошкент вақти билан соат 9-00дан 18-00гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (+99871) 239-42-47, факс: (+99871) 239-13-20.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИК по КС хокимията Навоийской области ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объект: «Строительство «Акваларка» в парковой зоне г. Навои».
Стартовая стоимость заказчика: без НДС 5 038 837 248 сум, с НДС 4 199 031 040 сум.
Срок завершения строительства: 12 месяцев.
Заказчик: ИК по КС хокимията Навоийской области, расположенный по адресу: г. Навои, ул. Навои, 63.
Финансирование осуществляется за счет средств спонсоров и местного бюджета.

ИК по КС хокимията Навоийской области ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По выполнению проектной документации на объект: «Строительство стадиона на 10 000 зрителей в г. Навои».
Стартовая стоимость заказчика: без НДС 212 500 000 сум, с НДС 255 000 000 сум.
Срок завершения строительства: 60 дней.
Заказчик: ИК по КС хокимията Навоийской области, расположенный по адресу: г. Навои, ул. Навои, 63.
Финансирование осуществляется за счет средств государственного бюджета.

Навоийский филиал «Навои телеком» АК «УЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Строительство отдельных объектов «СИЭЗ Навои» Внутриместочная телефонизация».
Стартовая стоимость заказчика: без НДС 998 833 300 сум, с НДС 1 198 600 000 сум.
Срок завершения строительства: 4 месяца.
Заказчик: Навоийский филиал «Навои телеком» АК «УЗБЕКТЕЛЕКОМ», расположенный по адресу: г. Навои, ул. Халклар Дустиги, 3а.
Финансирование осуществляется за счет собственных средств.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимые для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

В торгах может участвовать отдельная проектная организация, фирма или ассоциация по совместным действиям (которая настоящим определяется как совместное предприятие, ассоциация, консорциум или партнерство). Если участник торгов, в соответствии с выше определенным, является ассоциацией по совместным действиям, состоящей из двух или большего числа компаний, эти компании, все вместе и по отдельности, связаны обязательством перед «Заказчиком» выполнять условия контракта. Они должны назначить одну из данных сторон, выступать в роли ведущей, которая наделена полномочиями, связывать обязательствами ассоциацию по совместным действиям.

Заявки на участие в торгах будут приниматься только от тех участников, которые имеют опыт работы, имеют соответствующую лицензию и обладают текущими финансовыми возможностями, достаточными оборотными средствами.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга - Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и цеообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу: г. Навои, ул. С. Айни, 32, тел. 225-53-85, 225-52-38.

Стоимость одного комплекта документов - 70 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навои, ул. С. Айни, 32, тел. 225-53-85.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов - одно и часу вскрытия оферт.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTANOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihdiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Reklama va e'lonlar
233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib
233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda —
(374) 225-32-70
Buxoroda —
(365) 223-06-02
Gulistonda —
(367) 225-46-45
Jizzaxda —
(372) 227-48-35
Navoiyda —
(436) 223-83-73
Namanganda —
(369) 226-43-81
Nukusda —
(361) 222-77-21
Samarqandda —
(366) 235-02-55
Urganchda —
(362) 517-30-58
Farg'onada —
(373) 224-18-78
Denovda —
(376) 412-37-80
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Asror MO'MINOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta shehna, payshanba va shamba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshlag faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
T — 1049
7648 naxxada bosildi
T — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'z ak yakuni — 03.40
Topshirilgan vaqti — 04.35
1 2 4 5
Sotuvda erkin narxda

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими, меҳнат фахрийси Олимжон Хайиомовга умр йўлдоши **ЗИРОАТХОН** онанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.